

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH

2024

Journal of Pedagogical and Psychological Studies

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ISSN: 2181-4066



Available online at www.imfaktor.com



ISSN: 2181-4066

DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 3-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

TOSHKENT - 2024

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2024-3>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов Ойбек.

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Таҳририят аъзолари:

- | | |
|--|--------------------------------------|
| 1. Юсупова Хабиба Ирискуловна | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD) |
| 2. Олимов Лазиз Ярашович | – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент |
| 3. Элов Зиёдулло Сатторович | – психология фанлари доктори, доцент |
| 4. Ганжиев Феруз Фурқатович | – психология ф.б.ф.д. (PhD) |
| 5. Мусаева Мухаббат Эшбаевна | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент |
| 6. Умаров Баҳром Норбоевич | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD) |
| 7. Орипова Раънохон Иброхимовна | – педагогика фанлари номзоди, доцент |
| 8. Ўринова Феруза Ўлжаевна | – педагогика фанлари номзоди, доцент |
| 9. Ниёзова Лутфия Худайбергановна | – дефектолог - эксперт |
| 10. Салиева Дилором Абдуллаевна | – психология фанлари номзоди |
| 11. Останов Шухрат Шарифович | – психология ф.б.ф.д. (PhD) |
| 12. Рустамов Шавкат Шухратович | – психология ф.б.ф.д. (PhD) |
| 13. Халлокова Максудахон Эргашевна | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD) |
| 14. Исмаилова Раъно Нураевна | – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент |
| 15. Саримова Дилдора Соаталиевна | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент |
| 16. Улўгова Шахлола Муслиддиновна | – психология фанлари номзоди, доцент |
| 17. Махмудова Зулфия Мехмоновна | – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент |
| 18. Худайберганов Шухрат Шавкат ўғли | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD) |
| 19. Исматова Дилафруз Тўймуратовна | – психология ф.б.ф.д. (PhD) |
| 20. Улўгова Шахлола Муслиддиновна | – психология фанлари номзоди, доцент |
| 21. Махмудова Зулфия Мехмоновна | – психология ф.б.ф.д., (PhD) |
| 22. Ўринова Озодахон Ўлжаевна | – педагогика ф.б.ф.д., (PhD) |
| 23. Рўзиев Умар Музафарович | – психология ф.б.ф.д., (PhD) |
| 24. Останов Жасур Шопиржонович | – психология ф.б.ф.д., (PhD) |
| 25. Лола Камоловна Илиева (Бахриддинова) | – педагогика фанлари номзоди, доцент |
| 26. Муродова Дурдонахон Райимжон қизи | – педагогика ф.б.ф.д. (PhD) |

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 8.2 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатида мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор
24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ИСМОИЛОВА Онорхол Фарходовна*Ички ишлар Бошқармаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими**Хотин-қизлар масаласи бўйича инспектор**катта лейтенант*<https://doi.org/10.5281/zenodo.10874259>

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада оиладаги зўравонлик ҳолатларида аёлларнинг жабрланувчи сифатидаги хатти-ҳаракатлари хусусиятларининг психологик омиллари назарий таҳлил қилинади. Жабрланувчи аёлларнинг хатти-ҳаракатларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар, дисфункционал оиладаги аёлларда ҳимоя психологик механизмларнинг мотивлари ва намоён бўлиши кўриб чиқилади. Таъкидланишича, жабрланувчи аёллар оила қадриятлари томонидан қабул қилиниши учун ўзларининг "мен" ларини қурбон қилишга мойилдирлар ва бу хусусият субъектнинг нотўғри хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган умумий жабрдийда бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ.

Оиладаги зўравонлик ҳолатларида аёлларнинг жабрланган хатти-ҳаракатларининг психологик хусусиятлари, шу жумладан невротизм, аффектив функцияларнинг бузилиши, шакланган ночорлик ҳолати, когнитив функцияларнинг бузилиши, деформацияланган ўз-ўзини идрок этиш ва ўзини паст баҳолаш, зиддият ва номувофиқлик, посттравматик бузилиш каби хул-атвор моделлари ёритилган.

Калит сўзлар: оилавий зўравонлик, невротизм, Эго, аффект, дисфункция, посттравматик бузулиш, низо, зиддият, когнитив бузилиш, деформация.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОГО ПОВЕДЕНИЯ ЖЕНЩИН, ПОДВЕРГШИХСЯ ДОМАШНЕМУ НАСИЛИЮ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена теоретическому анализу психологических факторов и особенностей виктимного поведения женщин в ситуациях домашнего насилия. Рассмотрены предпосылки формирования виктимного поведения женщин, мотивы и проявления защитных психологических механизмов у женщин в условиях дисфункциональной семьи. Отмечено, что виктимные женщины склонны жертвовать своим «Я», чтобы быть принятыми семейной системой, и эта характеристика принадлежит к чертам общей виктимности, проявляющейся в дезадаптивном поведении субъекта.

Выделены и охарактеризованы психологические особенности виктимного поведения женщин в ситуациях домашнего насилия, среди которых невротизированность, расстройства аффективных функций, состояние обученной беспомощности, расстройства когнитивных функций, деформированное самовосприятие и заниженная самооценка, конфликтность и противоречивость, посттравматическое стрессовое расстройство.

Ключевые слова: семейная насилия, нейротизм, Эго, влияние, бессилие, травматическое расстройство, конфликт, противоборство, когнитивные нарушения, деформация.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE VICTIMOLOGICAL BEHAVIOR OF WOMEN WHO HAVE SUFFERED DOMESTIC VIOLENCE

ANNOTATION

The article is devoted to the theoretical analysis of psychological factors and features of victimized behavior of women in situations of domestic violence. The prerequisites for the formation of victimized behavior of women, motives and manifestations of protective psychological mechanisms in women in a dysfunctional family are considered. It is noted that victimized women tend to sacrifice there "I" in order to be accepted by the family system, and this characteristic belongs to the features of general victimization, manifested in the maladaptive behavior of the subject.

The psychological features of victimized behavior of women in situations of domestic violence are highlighted and characterized, including neuroticism, disorders of affective functions, a state of trained helplessness, disorders of cognitive functions, deformed self-perception and low self-esteem, conflict and inconsistency, post-traumatic stress disorder.

Keywords: family violence, neuroticism, Ego, influence, impotence, traumatic disorder, conflict, confrontation, cognitive impairment, deformation.

Мамлакатимизда сўнги йилларда гендер тэнгликни таъминлаш тушунчасига кўп бора гувоҳ бўлаяпмиз ва бу соҳада изчил ва самарали саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганининг аниқ ҳақиқат. Асосийси, хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масаласи қонунчилик мезонлари талабларига мос ҳолда такомиллаштирилмоқда. Бунда аёлларга нисбатан куч ишлатиш, айниқса, оиладаги зўравонликни бартараф этишга жиддий аҳамият қаратиляпти. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 4 январдаги 3-сон Қарори билан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартибини белгилаб берувчи норма қабул қилинган [1].

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқлар ва масс медиа орқали жамиятимизда содир бўлаётган оилавий зўравонлик ҳолатларининг сони ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Аёллар билан боғлиқ мудҳиш ҳодисаларнинг бари юртимизда ечилиши лозим бўлган қатор ўткир муаммолар мавжудлигини намоён қилади. Нафақат аёллар, умуман инсон шаъни ва кадр-қимматини юксалтириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак деган мулоҳазага борамиз.

Президентнинг зўравонликка учраган аёлларга ёрдам тизимини яратиш, оилавий-маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унинг мудҳиш оқибатларига барҳам беришга қаратилган Қарори қабул қилинди. Яъни оилавий зўравонлик масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди, чунки масала аллақачон оила кўрғони деворларидан ташқарига чиқиб, глобаллашиб, катта ижтимоий муаммога айланиб бораётир [2].

Оилавий зўравонлик ўзи нима? Оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларининг мунтазам давом этиб келувчи, такрорланиб турувчи жисмоний, рухий, жинсий ва иқтисодий зўравонлиги. Бунда уни содир этган шахс жабрланувчи билан бир жойда яшаши ёки яшамаслигидан қатъий назар, оила ёки оила доирасида, собиқ ёки ҳозирги турмуш ўртоқлари ёхуд шериклар ўртасида юз бераётган барча жисмоний, жинсий, психологик шунингдек иқтисодий зўравонлик ҳаракатларини тушунишимиз мумкин.

Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда вояга етмаганлар ҳамда хотин-қизларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар сони ортиб бормоқда.

Жаҳонда олимлар, илмий тадқиқотчилар зўравонликка учраган кишиларнинг эмоционал ҳолатини ўрганиш доирасида уларда виктимологик хулқ-атвор шаклланиши ва натижада психологик потологиягача бўлган хулқ модели намоён бўлишининг гувоҳи бўлдилар. Олимлар жабрланувчининг хулқ-атвори ҳодисасини "провокация", "бўйсунмиш", "оғриқли боғланиш", "ортиқча ташвиш", "муносабатларга қарамлик", "рухий ҳолат", "махсус характер хусусиятлари мажмуаси", "қарамлик", "ўрганилган хулқ-атвор нормалари тўплами", "ўткир шахслараро можарога мослашиш усули" деб ҳисоблашади. Бундай турли хил позициялар қурбонликни нафақат девиант хулқ-атвор призмаси орқали оғриқли қарамликнинг намоён бўлиши сифатида, балки оилавий ўзаро муносабатларнинг бузилиши, унинг аъзоларининг шахсиятига салбий таъсир кўрсатадиган дисфункционал оила моделининг намунаси сифатида кўриб чиқишга имкон беради, натижада уларнинг ўз-ўзига бўлган шахсий ўсиш ва амалга ошириш эҳтиёжлари қондирилмайди.

Психологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аёлларнинг жабрланган хулқ-атворини шакллантиришнинг зарурий шарти ота-онаси, оила аъзоларининг шахсияти, муносабатларнинг танқислиги, боланинг эҳтиёжлари ёки манфаатлари намоён бўлишини тақиқлаш ва уларнинг ҳаёлий завқланишидаги қийинчиликлари каби ижтимоийлашувнинг хусусиятлари психологик ҳимоя механизми сифатида юзага чиқади.

Жабрланган аёлларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ҳаётларининг аксарият соҳаларида чегараларни белгилай олмаслиқдир. Доимий равишда ҳақоратли никоҳ муносабатлари ёки жисмоний ва ҳиссий зўравонлик таъсири остида бўлган аёл нимани хоҳлашини, нимани ёқтиришини, нимани ҳис қилаётганини ва нимага ишонишини аниқ тасаввур қила олмайди. Ушбу позициялар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган одамлар билан муносабатларда аёл ўзининг "қолоқлигини" ҳис қилади. У бошқаларга "йўқ" дея олмайди ва пассив равишда бошқаларнинг унга нисбатан талаблари тугашини кутади. Ҳатто бундай аёл ҳақиқатан ҳам нимани хоҳлашини билса ҳам, буни қандай амалга оширишни билмайди.

Жабрланган аёллар бошқаларга қандай муносабатда бўлишлари кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар, улар шахсиятининг психологик чегаралари қаерда тугашини ва шеригининг шахсий чегаралари қаердан бошланишини билишмайди, уларнинг ҳис-туйғулари ва эҳтиёжларига эътибор бермайдилар. Ўзи учун жавобгарлик бошқалар учун жавобгарлик билан алмаштирилади. Таърифланган реакция тури патологик синтезнинг невротик механизмига мос келади. Бундай реакция билан одам ўзини бошқалардан ажрата олмайди, унинг "мен" и қаерда тугашини ва бошқа одамнинг "мен" и қаердан бошланишини аниқлай олмайди [3].

Шундай қилиб, ҳақоратли муносабатлардан азият чекадиган аёллар учун ўзларининг "мен" чегаралари шунчалик хиралашганки, улар шахсий ҳис-туйғуларини, фикрларини ва истакларини бошқаларнинг ҳис-туйғулари, фикрлари ва истакларидан фарқлашда қийналадилар. Аёл қурбонлари ноаниқ Эго чегаралари билан ажралиб туради. Ўзини бошқалардан ажратиш бўлган Эгонинг вазифаси бузилади.

Шахсий ҳис-туйғулар, реакциялар ва кузатувларнинг бостирилиши ўзаро боғлиқлик ҳолатининг генезисида, сўнгра аёлнинг шахсиятининг жабрланувчи хатти-ҳаракатларида ётади [4].

Оиладаги зўравонлик ҳолатларида бўлган аёл, қарама-қаршиликлар ва ўзаро эксклюзив эътиқодлар тизимида яшайди: “мен сизнинг муносабатингизга лойиқ бўлиш учун ҳеч нарса қилмадим ва нима бўлса мен айбдорман”. Шундай қилиб, чекловлар ва чегараларни белгилаш масаласи бундай одамлар учун энг қийин масалалардан биридир. Чекловлар кўпчилик одамлар томонидан деярли автоматик равишда белгиланади, улар болалигида катталар томонидан ўзларининг муҳим муҳитидан тегишли чекловларни моделлаштириш асосида ўрганадилар. Уларнинг бошқа одамлар билан алоқаларининг тўғрилигини аниқлаш учун ота-оналарнинг боланинг эҳтиёжларига муносабати асос бўлади. Аммо нотўғри принциплари оилаларда ота-оналарнинг ўзлари ўз чегараларини сезмайдилар ва буни болаларга ўргата олмайдилар.

Оиладаги зўравонлик қурбони бўлган аёллар хатти-ҳаракатларининг асосий сабабларидан бири бу умуман бошқа одамларнинг, айниқса эркакларнинг тажовузкор реакцияси ва хатти-ҳаракатларидан қўрқишдир, чунки аёллар доимо янги ҳақоратларни “кутишади”. Танлов қилишда ёки қарор қабул қилишда улар ўзларига нимани хоҳлашларини сўрашга қодир эмаслар, лекин улар ҳақоратли эрнинг истаклари ва илтимосларига эътибор беришади. Улар аллақачон бошқаларнинг ҳис-туйғулари ва истакларини баҳолаш учун инстинктив қобилятни ривожлантирдилар. Болалигидан шартли севгига ўрганиб қолган одамлар ўз кучларини уни “топиш” ва бошқаларнинг хоҳиш-истакларини бажариш орқали маъқуллашга қаратадилар. Бундай аёллар эрининг салбий реакциясини кутиб яшайдилар, йиллар давомида унинг кайфиятининг кескин ўзгаришига мослашадилар.

Қўрқув аёлларни манипуляция қилиш учун осон нишонга айлантиради ва тажовузкор қўрқитиш ёки таҳдид қилишни бошласа, осонгина ғалаба қозонади.

Айниқса болалигида азоб чеккан аёлларда қўрқув тобора ортиб бориб, умидсизлик, келажак ҳақида ташвишланиш ҳолатига айланиши мумкин. Улар хато қилишдан қўрқиб, ҳеч қандай қарор қабул қила олмайдилар. Олимлар ўзига хос хусусият сифатида бундай аёлларнинг ўзлари ёки фарзандларининг тақдири уларга боғлиқ бўлган ҳолларда ҳам қарор қабул қила олмаслигини таъкидлашади [5; 6].

Жисмоний, ҳиссий ёки вербал зўравонлик содир бўлган оилада, ўзини ундан қутқариш учун, аёл стрессга қатъий реакция бўлган мослашувчан хатти-ҳаракатлар тизимини яратади, бу вақт ўтиши билан омон қолиш воситаси сифатида ҳаёт тарзига айланиб боради. Стресснинг сабаби таъсир қилишни тўхтатганда, инсон ўз муҳитида зулм таҳдиди давом этаётгандек ҳаракат қилишни давом эттиради.

Жабрланувчи сифатидаги хатти-ҳаракатлари соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили оиладаги зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларнинг бир қатор психологик хусусиятларини аниқлашга имкон берди:

- невротизм, оғриқли ташвиш, депрессив касалликлар, ҳақиқатдан ҳаёлий дунёга қочиш, фаол ҳаракатлар қилишдан бош тортиш, юқори сезувчанлик, заифлик билан намоён бўладиган ҳиссий иккиланиш;

- аффектив функцияларнинг бузилиши (“ҳиссиётларнинг обнубиляцияси” – ўз ҳис – туйғулари, тажрибалари ва тенденцияларини булутлаш, нотўғри тушуниш ёки бузиб идрок этиш: тажовузкор тенденциялар ғамхўрликнинг намоён бўлиши сифатида қабул қилинади; эмпатия ва самимийликка интилиш – заифликнинг намоён бўлиши сифатида; мулоқот ва бошқалар билан муносабатлар - ўз ҳис-туйғуларига бепарволик сифатида; бошқалар томонидан қўллаб – қувватлашга мойиллик - ўз қадрсизлигининг исботи сифатида намоён бўлади);

- шакллантирилган ночорлик ҳолати (барқарор “ютказувчи комплекс” ни ташкил этувчи оилавий ва бошқа шахслараро муносабатларнинг салбий тажрибаси; ўзи ва болалари учун доимий қўрқув ва омон қолиш учун концентрация; ночорлик ва умидсизлик ҳисси; ўз ҳаракатларининг мумкин бўлган оқибатларини олдиндан кўра олмаслик ва ҳақоратларга самарали жавоб бера олмаслик, потенциал зўравонликка юқори сезувчанлик);

- когнитив бузилишлар (ўзларининг ва бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларини, шунингдек атрофдаги вазиятни нотўғри тушуниш ёки рационализация қилиш: жабрланувчи аёллар уларга таҳдид соладиган хавфни тушунмайдилар ва уларнинг уриш тажрибасини “эркаклик жасорати”нинг исботи сифатида қабул қиладилар; нейрорик таранглик туфайли юзага келиши мумкин бўлган бузилишлар ўзининг бепарволиги туфайли содир бўлган деб тушунилади; ўзларининг агрессив ҳаракатлари онгсиз равишда шахсий ҳукмронлигининг исботи сифатида қўрқув ҳисси билан қўзғатилади);

- ўз-ўзини идрок этишнинг деформацияси ва ўзини паст баҳолаш (жабрловчи муносабатларини ўзига қабул қилишнинг оқибати: ўзини дўстона ва ҳамдардликка қодир эмас деб баҳолаш, нормал муносабатларни ўрнатолмаслик ҳисси, бошқа одамларнинг баҳоларини ўзига хос хусусият сифатида қабул қилиш);

- низоилик ва номувофиклик (бундай аёллар ўзларининг шахсий тенденцияларини рўёбга чиқариш учун парадоксал ва етарли бўлмаган усуллардан фойдаланадилар: ҳамдардлик киноя, масхара, айбаш орқали амалга оширилади; хушмуомалалик – бошқалар билан обрўсизлантирувчи алоқаларни ўрнатиш орқали, қарамлик ва қўллаб – қувватлашга эҳтиёж-муносабатларни бузиш таҳдиди туфайли;

- посттравматик бузулиш (нохуш хотиралар, тушлар, обсессив ҳаракатлар ва ҳиссиётлар орқали травманинг такрорий ва безовтали тажрибаси, воқеа такрорланаётгандек, травмани эслатувчи хотиралардан доимий қочиш; психоген амнезия, муҳим фаолиятга қизиқишнинг пасайиши, ҳаётнинг ижтимоий, касбий ва бошқа муҳим соҳаларида нотўғри мослашиш);

- “Эго” чегараларини бузиш (жабрловчининг ҳукмларини қабул қилиш, унинг фикрларини ўз имиджига сингдириш, яъни аёл ҳуқуқбузарнинг барча айбловларини аста-секин қабул қилади, бу эса шахсий “Мен”ини йўқотишга олиб келади);

- болаликдаги жароҳатлар ҳамда ота-оналарнинг ҳулқ-атвор модели (ота-оналарнинг психологик ҳафалик, норозиликка йўғрилган ҳулқ-атвор модели болаликдаги ҳиссий кечинмаларни бостиришга қаратилади. Бу эса ўз навбатида ночорлик, ички бўшлиқ ва қадрсизлик ҳиссини беради).

Шундай қилиб, никоҳ муносабатлари тизимида аёлларнинг жабрланган хатти-ҳаракатларининг психологик хусусиятлари шахсий хусусиятлар ва шароитларнинг кенг доирасини, шунингдек, аёлларнинг оилавий зўравонлик қурбонига айланишига шахсий мойиллигини белгилайдиган ташқи ва ички омиллар тўпламини ўз ичига олади.

Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун жамиятда аёлларга нисбатан камситишга қарши сиёсатни тасдиқлаш, оилавий инкироз шароитида бўлган аёлларга психологик ёрдам ва реабилитация дастурларини, шунингдек, жабрланувчининг шахсий фазилатларини тузатишга ва аёлларнинг жабрланувчи хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган психологик ва амалий чора-тадбирлар тизимини жорий этиш зарур.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES

1. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти. /Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. Б.3
2. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-qaroridan-song-zoravonlikka-uchragan-ayollar-himoyasi-uchun-nimalar-ozgaradi>
3. Москаленко В.Д. Жены больных алкоголизмом. Вопросы психологии. 1991. № 5. С. 91–97.
4. *Малкина-Пых И.Г.* Психология поведения жертвы: справочник практического психолога. М.: ЭКСМО, 2006. 1008 с.
5. *Шинкаренко О.Д.* Насилие в супружеской паре: актуальность, опыт и перспективы исследования. Вестник Харьковского государственного университета. 1999. № 439. С. 308–311.
6. https://psyjournals.ru/journals/psylaw/archive/2013_n2/61022
7. Мухамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқувуслублик қўлланма. — Т., 2018. — Б. 33.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 3-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz